



## PROTESTS BY RESIDENTS OF THE PROVINCES OF BALJUVON AND KULYAB AGAINST THE LOCAL GOVERNMENT SYSTEM IN THE 60-80S. 19<sup>TH</sup> CENTURY

*Fayzulla Bobokulovich Ochildiyev*

*Doctor of historical sciences, associate professor*

*National University of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [fayzulla72@mail.ru](mailto:fayzulla72@mail.ru)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Bukhara, social, political, Russia, Boljuvan, Kulyab, taxes, bek, dehkans, insurgency, protests, local government, governance system.

**Received:** 11.11.23

**Accepted:** 13.11.23

**Published:** 15.11.23

**Abstract:** The article describes protests by residents of the Boljuvan and Kulyab districts, which were part of the Bukhara Emirate, against the local authorities in the 60-80s. 19<sup>th</sup> century. The introducing of taxes and additional fees, as well as forced collection from the population, were also analyzed.

## XIX АСРНИНГ 60-80 ЙИЛАРИДА БОЛЖУВОН ВА КЎЛОБ БЕКЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИГА ҚАРШИ НАРОЗИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

*Файзулла Бобокулович Очилдиев*

*Тарих фанлари доктори, доцент*

*Ўзбекистон Миллий университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [fayzulla72@mail.ru](mailto:fayzulla72@mail.ru)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Бухоро, ижтимоий, сиёсий, Россия, Болжувон, Кўлоб, солиқлар, бек, деҳқонлар, ғалаён, норозиликлар, маҳаллий ҳокимият, бошқарув тизим.

**Аннотация:** Мақолада XIX асрнинг 60-80 йиларида Бухоро амирлиги таркибига кирган Болжувон ва Кўлоб бекликларида яшовчи аҳолининг маҳаллий ҳокимиятга қарши норозилик ҳаракатлари ёритилган. Шунингдек, бекликда солиқ ва қўшимча тўловларнинг жорий қилиниши, бу тўловларни аҳолидан мажбуран йиғиб олинганлиги таҳлил қилинган.

## АКЦИИ ПРОТЕСТА ЖИТЕЛЕЙ ПРОВИНЦИЙ БАЛДЖУВАН И КУЛЯБ ПРОТИВ СИСТЕМЫ МЕСТНОГО САМОУПРАВЛЕНИЯ В 60-80-Х ГГ. XIX ВЕКА

**Файзулла Бобокулович Очилдиев**

доктор исторических наук, доцент

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: [fayzulla72@mail.ru](mailto:fayzulla72@mail.ru)

### О СТАТЬЕ

<p><b>Ключевые слова:</b> Бухара, социальная, политическая, Балджуван, Куляб, налоги, бек, дехканы, бунт, протесты, местное самоуправление, система управления.</p>	<p><b>Аннотация:</b> В статье освещаются акции протеста жителей Болджуванского и Кулябского районов, входивших в состав Бухарского эмирата, против местной власти в 60-80-х гг. XIX века. Также было проанализировано введение налогов и дополнительных сборов, а также принудительный сбор с населения.</p>
---	--

### КИРИШ

XIX асрнинг учинчи ва тўртинчи чорагида Бухоро амирлигига тобе худудларда истиқомат қилган аҳоли хўжалик билан боғлиқ турли мажбуриятларни адо этган. Халқ оммасининг катта қисмини қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган ижтимоий қатламни ташкил қилиб, улар давлат ҳисобига турли солиқларни тўлашга мажбур эдилар. Дехқонларнинг бўйнига хирож, закот, аминана каби асосий солиқлардан ташқари кўп сонли мажбуриятлар ҳам юкланганди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

XIX асрнинг 60-йилларида Бухоро амирлигида ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашди. Бухоро ҳукумати 1868 йили Россия империяси қўшинлари билан тўқнашди ва ҳарбий-техника жиҳатидан заифлиги сабабли мағлуб бўлди ва Россия вассаллигини тан олиб, катта миқдорда товон (контрибуция) тўлашга мажбур бўлди. Россияга тўланадиган катта миқдордаги товон пулини қоплаш солиқлар ҳажмининг ошишига олиб келди. Бундай ҳолат нафақат оддий аҳоли, балки зодагонлар, катта ер эгалари ва юқори қатлам саналган хоссага – зодагон қатламга ҳам маъқул келмади.

Солиқлар миқдорининг кескин ошиши Бухоро амирлигида оммавий норозилик чиқишларининг кучайишига олиб келди. Айниқса, Шарқий Бухорода–ҳозирги Тожикистон Республикаси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари худудларида оммавий норозилик ҳаракатлари кучайди. Бухоро марказий ҳукумати ва жойлардаги маҳаллий маъмурлар аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашиш ўрнига жазо чораларини кучайтириш йўлидан борди. Шарқий Бухоро руслар ёрдамида Бухоро амирига тўлиқ бўйсундирилгандан сўнг Балжувон беклигига амир ўзининг энг яқин одами, Шерали Иноқнинг ўғли Абдукаримни

бек қилиб тайинлайди[1]. Унинг зиммасига Бухоро ҳукуматининг Россияга тўлаши керак бўлган 500 000 рубль товон пулини тўлашга кўмаклашиш вазифаси юклатилган.

Чор Россияси учун товон пулини тўлаш Бухоро амирлигида солиқлар миқдори ошишига олиб келди ва XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу ерда тизимга қарши аҳолининг норозилик чиқишлари кучайди. Уқувсиз амир ва унинг амалдорлари, балки ғайридин русларнинг ҳам мамлакат хўжалиги ишларига аралашуви оқибатида норозиликлар кескин авж олиб кетди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, амирликда солиқ тизимига қарши аҳолининг норозилик чиқишлари кучайди. Бошқа бекликларда бўлгани каби Болжувон ва Кўлоб бекликларида ҳам солиқлар миқдори сезиларли даражада ошди. Болжувон беклигида яшовчи аҳолиси солиқ ва қўшимча тўлов миқдорини камайтириш учун Абдукаримбекга мурожаат қилишган. Лекин бек аҳолига кескин тарзда рад жавобини берган. Бекнинг аҳоли мурожаатига берган рад жавоби уларни қаттиқ ғазаблантирди. Оқибатда 1870 йил июль ойида Болжувон яқинида яшовчи қишлоқ аҳолиси солиқларни тўлашдан бош тортиб маҳаллий ҳокимият вакилларига қарши ғалаён кўтарди[2]. Тез фурсатларда қўзғолон иштирокчиларининг сони 2000 дан ошиб, бек қалъаси қамал қилиниб бек қалъаси ва атрофдаги иншоотларни вайрон қилишган. Бек, унинг яқинлари ва навкарларни эса қалъадан қувиб юборишган.

Болжувон беги қўзғолонни бостира олмагандан сўнг ўз жонини сақлаб қолиш учун Ҳисор беги ҳузурига қочишга мажбур бўлди. Қўзғолончилар эса қалъани толон торож қилиб, қўлларига тушган нарса ва буюмларни олиб ўз уйларига қайтиб кетишди. Маълум бир вақт ўтгандан сўнг Болжувон беги Абдукарим Ҳисор бегининг ёрдами билан қўзғолон ташкилотчилари ва иштирокчиларини жазолайди. Уларнинг кўпчилиги аср олиниб, бошлиқлари эса қатл қилинди[3].

Болжувонда бўлиб ўтган аҳолининг норозилик чиқиши Россия империяси Бухоро амирлигини ўзига қўшиб олгандан сўнг Бухоро ҳукумати ва унинг тарафдорларига қарши биринчи норозилик намоёиши эди. Болжувондаги аҳолининг норозилик чиқишини ташкилий жиҳатдан уюшган, стихияли бир исён сифатида баҳолаш мумкин. Бу ғалаён режасиз сиёсий аҳамиятга эга эмасди. Исёнчилар асосан солиқ миқдорини камайтириш ва бу борада мажбуриятларни енгиллаштириш талаби билан чиққан эдилар. Уларнинг узокни кўзлаган маълум бир мақсадлари бўлмаганлиги боис бу ҳаракат муваффақиятсизлик билан якун топиб, ғалаён иштирокчилари шавқатсиз жазоланган.

XIX асрнинг 70–80-йилларида бошланган маҳаллий ҳокимият вакилларига нисбатан аҳолининг норозилик чиқишлари мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам кучайиб борди. Жумладан, 1874 йилда Болжувон беклигининг тоғли қишлоғида яшовчи кўчманчи ўзбеклар

ва лақай уруғига мансуб аҳоли солиқ йиғувчи Абдурахмон Хўжа Судурга қарши ғалаён кўтаришган. Бу воқеадан хабар топган Бухоро лашкари бошлиғи хийла ишлатиш йўлига ўтган. У аҳолининг илғор вакиллари ўз томонига оғдириб, уларнинг ишончига кириб, Болжувон беги устидан Бухоро амирига шикоят қилишни маслаҳат беради. Ушбу вакиллар 7 киши бўлиб, улар ҳарбий бошлиқ сўзига ишониб, солиқлар миқдорини камайтириш учун Бухоро амири олдига бориш учун йўлга чиқадилар. Аммо йўлда кетаётган мазкур 7 та аҳолининг ишончли вакилини ҳарбий бошлиқ томонидан асирга олиниб, турли тухмат ва бўхтонлар билан Бухоро амири олдига жазолаш учун юборилган[4]. Бўлиб ўтган воқеадан огоҳ бўлган аҳоли амалдорларга қарши ғалаён кўтарган. Бу ғалаён анча жиддий тус олганлиги билан амирлик тарихида аҳамиятли саналади.

1883 йилда Кўлоб беклигида истиқомат қилувчи лақай ва қарлуқ уруғларининг оқсоқоллари Абдуллабой ва Ҳожи Абдулмўминлар ҳукумат томонидан жорий этилмаган солиқларни фуқароларга тўлашни мажбурлаган Болжувон қозиси устидан амир ҳузурига шикоят қилиб боришган. Лекин бу мурожаатлар ҳам олдингилари сингари ҳеч қандай натижа бермаган. 1885 йилнинг охирига келиб Кўлоб беклигига қарашли Мўминобод қишлоғи аҳолиси қўшимча солиқлар солинганлиги учун солиқ йиғувчиларга қарши бош кўтаради[5]. Ғалаёндан олдин қишлоқ аҳолиси бекликда солиқ миқдорининг кескин ошиб кетганлиги тўғрисидаги хабарни етказиш учун ўз вакиллари амир ҳузурига юборган[6]. Бундан хабар топган Кўлоб беги шикоятчиларни Бухородан қайтиб келаётганларида йўлда тутиб ҳибсга олишган ва шундан сўнг Мўминобод аҳолиси ишончли вакиллари овоз қилишини сўраб бек қароргоҳини қамал қилишгача борган[7].

Шунингдек, қишлоқ аҳолиси, Кўлоб беги устидан шикоят қилиб Болжувон беги ҳузурига ҳам боришга мажбур бўлган. Болжувон беги Раҳмонкул бий шикоятчиларни тинглаб ва улар муаммосини ўрганиб, асирга олинган вакилларни овоз қилишга ваъда бериб, оломонни тарқатишга муваффақ бўлган. Аммо Мўминобод аҳолиси кўтарган ғалаён (1885 йил 31 октябрда бошланган) бу билан бутунлай тўхтамади, яъни 14 декабр гача давом этган. Янги ҳосилдан солиқ тўлашдан бош тортган қишлоқ аҳолисининг ғалаёни 1885 йил декабрь ойи бошига келиб юқори чўққига кўтарилди. (Ғалаёнга Мулло Мирзо, Барот, Саид, Мулло Давлатлар бошчилик қилди. Деҳқонлар калтак, бел ва кетмон билан қуролланиб, қишлоқдаги амлоқдорларни калтаклаб, уларнинг уйларини вайрон қилганлар.) Ғалаённинг жиддий тус олганлигидан хавфсираган Кўлоб беги Муҳаммад Назир аҳолини тинчлантириш учун ўз амалдорини Мўминободга жўнатишга мажбур бўлади. Мазкур халқ ғалаёни овозаси амирликнинг бошқа ҳудудларига ҳам тарқалди. Вазият чигаллашганлиги сабабли Кўлоб беги бу ҳақда амирга мурожаат қилиб, ундан ёрдам сўрашга мажбур бўлган. Ҳолатни ўрганиш учун Бухородан Аллаёр мирохур жўнатилади. Охир оқибат, Мўминобод

қишлоқ аҳолиси кўйган талаблар ўрганилиб, амирлик амалдори томонидан юклатилган солиқ миқдорини камайтиришга ваъда берилди[8].

Мўминобод қишлоғида юз берган воқеалар амир маъмурий бошқарув тизими вакиллари бир оз саросимага солиши, аҳоли талабларининг натижали яқунланишидан далолат берса-да, аммо бундай ҳаракатлар стихияли ва режа асосида эмас эди. Мамлакатда яшовчи аҳоли бек ва амлоқдорлар устидан амирга адолат излаб қанчалик мурожаат қилишмасин, уларнинг шикоятлари деярли ҳукумат даражасида тафтиш қилиниб ўганилмаган. Амир муаммоларни ўрганиш ўрнига унга шикоят қилиб борган аҳоли вакиллари асосиз далилларга суянган ҳолда жазолашдан нарига ўтмаган.

Бухоро амирлиги тарихидаги энг муҳим ғалаёнлардан бири 1886 йил январь ойининг бошида Болжувон беклигида рўй берган. Бухоро амири Музаффар ўлимидан сўнг Шарқий Бухорода Қоратегин беги Худойназар оталиқ ва маҳаллий амалдорларга қарши норозилик кайфиятлари кўчайиб кетди. Бек ва солиқчиларнинг ноҳақлиги ва адолатсизликларидан чарчаган аҳоли энди тахтга ўтирган амир Абдулахадга ўзларининг норозилик шикоятларини йўллайди, амир эса аҳолининг шикоятини ўрганишдан бош тортган. Лекин аҳолининг амирга қилган шикоятлари кўпайгандан-кўпайиб борди. Бундан хавотирга тушган амир шикоятларни ўрганишга мажбур бўлган. Масалан, Болжувонга аҳолининг эътирозларини ўрганиш учун амир ўзининг ишончли вакилини жўнатган. У бекликда ноҳолис тафтиш ўтказиб, бек ва унинг амалдорлари фойдасига қарор чиқарган. Шикоят қилган деҳқонлар ва уларнинг бошлиқлари эса турли хил жазоларга тортилган[9].

Ноҳолис ўтказилган тафтишдан нарози бўлган деҳқонлар 1886 йил январь ойи охирида нажот излаб яна ўзларининг 4 нафар ишончли вакилини амир ҳузурига юборишган. Улар амлоқдор ва закот йиғувчилар солиқни икки баробар кўп олаётганини амирга билдиришган. Бироқ амир шикоятни ўрганиш ўрнига ишончли вакиллардан 2 нафарини қамокқа олиб, қолган 2 нафарини эса 75 даррадан уришга буйруқ берган[10]. Амир Болжувон, Кўлоб[11] ва бошқа бекликларда яшовчи аҳоли томонидан қилинган шикоят ва эътирозларни ўрганиб, тартибга солиш ўрнига, деҳқонларни ялқов, ишёқмас ва иғвогар деб, уларнинг шаънига ҳақоратомуз фикрларни билдириб, Бухоро халқини чалғитиб келган.

1888 йилда Шарқий Бухоро бекликларда табиий офат юз бериб катта ҳудудларни чигиртга босиб кетди, бу табиий офатдан эса деҳқон ва чорвадорлар катта зарар кўрган. Деҳқонлар шу йиллари кўзлаган ҳосилнинг учдан бир қисмини ҳам ололмади. Аҳолининг қийин аҳволга тушиб қолганига қарамасдан Кўлоб ва Болжувон беклари амалдорларга аҳолидан ўтган йили амал қилган закот солиғини йиғиб олишга буйруқ берган[12]. Ҳудудда табиий офат юз берганига қарамасдан солиқ йиғувчилар белгиланган солиқлардан ташқари

ўзлари учун қўшимча солиқларни ҳам жорий қилиб йиға бошлаган. Товар пул муносабатларнинг ривожланиши натижасида шу йиллари Шарқий Бухорода маҳаллий беклар ўзлари учун солиққа оид янги қонун ишлаб чиқган эди. Бунга кўра закот солиғини тўловчилар яъни 40 та қўйи бўлган мулк эгаси закотни мол билан эмас пул кўринишида тўлаш жорий қилинганди. [13]

1888 йили 1 июлда Болжувон беклигининг Ховолинг қишлоғида закот солиғини йиғиб олувчиларга қарши ғалаён кўтарилди. Солиқ йиғувчилар Хаволинг аҳолисидан закот солиғини эндиликда пул кўринишида тўлашни талаб қила бошлади. Закот солиғини нақд пулда тўлай олмаган аҳолидан мол ҳисобида белгиланган миқдордан ортиқ олишган. Бундай адолатсизликлар аҳолининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Шу куни қишлоқ аҳолиси солиқ олувчиларни тартибга олишни сўраб Болжувон бегининг ҳузурига боришган. Қишлоқ аҳолисининг мурожаатига бек томонидан эса салбий жавоб берилган. Бекнинг қониқарсиз жавобидан ғазабланган қишлоқ аҳолиси эртаси куни солиқ йиғувчиларни калтаклаб ўлдиришган[14].

Бу воқеадан хабар топган қўшни қишлоқларда яшовчи аҳоли ҳам ғалаён кўтара бошлаган. Бу ғалёнга Абдул Восе бошчилик қилган. Бир вақтнинг ўзида кўчманчи ўзбеклар ҳам ғалён кўтариб Болжувон бегининг харбий бошлиғи Содик бек ва унинг 4 та аскарини ўлдиришади. [15] Абдул Восе яхши ташкилотчи бўлиб, унга Болжувон ва Кўлоб беклигининг турли қишлоқларидан деҳқонлар келиб қўшилган. Восе бошчилигидаги ғалаёнчилар Болжувон бекининг қаъласи олдида тўпланишиб, мураса йўлини танлаб ўзларининг орасидан 4 та ишончли вакилини бек ҳузурига жўнатган. Ғалаёнчилар солиқ йиғувчиларни бекнинг ўзи тартибга чакиради деб умид қилишганди. Лекин бек улар билан гаплашишни хоҳламайди ва олдига келган аҳоли вакиларини асрга олишни буюради. Ғалаённи бостириш учун ўзида етарлича куч бўлмаганлиги учун бек кўзғолончиларнинг олдига дин пешвосини юбориб уларни шу орқали ушлаб турмоқчи бўлади.

Лекин кўзғолончилар бу бекнинг ҳийласи эканини тушуниб дин пешвосига қарши чиқишган. Натижада у жонини сақлаш учун қалъага қочиб киради. Кўзғолончилар бек қалъасига ҳужум қилиб уни харобага айлантиради. Бек эса аскарлари билан бирга Кўнғиротга қочади. У ердан Ҳисор беги Астонакул Қўш бегининг олдига боради[16]. Ғалаёнчилар бек қароргоҳи ва унинг хазинасини талон-тарож қилиб қўлига илинган нарсаларни олиб ўзларининг қишлоқларига қайтиб кетишган. Бу ҳолат ғалаёнга бошчилик қилган Абдул Восе ва ғалаёнчиларнинг энг катта хатоси эди. Бек қароргоҳи ва унинг хазинасини талон-тарож қилинган билан вазият ижобий томонга ўзгариб қолмасди. Қўлга киритилган арзимас бойлик кўзғолончиларнинг оғирини енгил қилолмасди.

Бухоро амири Абдул-Ахад ғалаён вақтида Содиқ-бекнинг ўлдирилганидан хабар топади. Унинг ўрнига Балжувон беги харбий кучларига Абдул Қодир бекни бошлиқ қилиб тайинлайди[17]. Унга ғалаённи бостириш ва иштирокчиларни жазолаш учун 1000 та солдат ва артиллерия ҳам қўшиб беради. Шунингдек, ҳукумат томонидан Абдул Алимбек бошчилигида Дарвоз беклигига 1000 та солдат, Кулоб беклигига эса 200 та солдат юборилади[18]. Амир томонидан юборилган харбий кучларга ғалаённи охиригача бостириб, ғалаён иштирокчилари ва бошлиқларини излаб топиб уларни жазолаш буюрилади.

Амир қўшинлари Шарқий Бухорога келгандан сўнг Восе бошчилигидаги ғалаёнчилар маълум бир муддат амир навкарларига қарши кураш олиб борди. Лекин Восе бошчилигидаги қўзғолончиларнинг кучи харбийлар билан жанг қилишга етмасди. Натижада Балжувон беклиги қалъаси қайтариб олинган. Ғалаён харбийлар томонидан бостириб, улар мағлубиятга учради. Ғалаёнда иштирок этганларнинг аксарят қисми ушланиб жазоланди, бир қисми асир олинди. Ғалаёнчиларнинг оз қисми турли ҳудудларга қочиб кетди. Жумладан ғалаён бошлиғи Восе ҳам тоғли Сари-пул қишлоғига қочиб, ўша ерда ўзига тарафдорлар йиға бошлади .

1888-йил июль ойининг охирига келиб, Балжувонда иккинчи маротаба деҳқонлар ва харбийлар ўртасида тўқнашув бўлиб ўтган. Самарқанд уездининг бошлиғи Г.А. Арендаренко бу ғалаён икки соат давом этганини таъкидлайди[19]. Останакул кушбегининг яхши қуролланган армияси тезда ғалаённи бостиришга эришган. Шунингдек, Восе ғалаёнини бостириш учун Ҳисор беги Останакул ҳам ўз навкарлари билан Болжувонга келганди. У ғалаён қатнашчиларни аср олиб Бухоро амири ҳузурига, қолган 130 нафар ғалаён иштирокчиларини эса жазолаш учун Шаҳрисабзга жўнатган. Останакул ғалаён бошлиғи Восени анча вақтгача тутолмади, лекин 1888-йил август ойининг охирида қўлга олиниб, у ҳам Китобга юборилган.

Архив манбаларида келтирилган маълумотларда Болжувон ғалаёнида қатнашган 40-киши ҳамда ғалаён бошлиғи Восе Китобда ўлим жазосига ҳуқум қилингани кетирилган[20]. Бухородаги сиёсий агент Н.Чарыков Туркистон генерал-губернатори Н.О.Розенбахга берган ахборотида 1888-йил 5-июлда Болжувон беклигининг тоғли қишлоғида яшовчи Лақай уруғига мансуб аҳоли томонидан солиқ йиғувчи тўқсоба ва уч-тўртта аскар ўрдирилгани баён қилинган.1888-йил 21-июлдаги маълумотида эса Шаҳрисабздан Болжувонга 1000 та сарбоз юборилиб, лақайлар томонидан қўтарилган ғалаён бостирилганлиги, 28-июлдан бошлаб Болжувон ва Ҳисор беклигида тинчлик ва осойишталик ўрнатилганлиги ёритилган[21].

Восе бошчилигидаги халқ ғалаёни Ўрта Осиёда деҳқонлар томонидан кўтарилган йирик ғалаёнлардан бири бўлиб тарихга кирди. Бу ғалаённинг бошқа ғалаёнларга нисбатан фарқи шундаки унда ўзбек, тожик ва бошқа миллат вакиллари эштирок этиб ўзининг кўлами кенглиги билан ажралиб турган.

Россия капиталининг Бухоро амирлигига кириб келиши ва капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши, йирик ер эгаларининг маънавий ва диний қарашларининг ўзгаришига тасир қилди. Шу сабабли амирликка кириб килаётган янгиликлар Бухоро ҳукумати томонидан қаршиликларга учради. Бухоро амирининг Эрон миллатига мансуб кишиларни турли хил юқори мансабларга тайинланиши диний уламолар ва йирик ер эгаларининг қаттиқ норозиликларига сабаб бўлди. Юқори табақадаги амалдор ва йирик ер эгалари ўзларининг амирга қарши норозиликларини очикдан очик билдиришдан кўрқиб улар энди аҳолининг норозиликлардан фойдалана бошлади.

Таъсирчан диний уламолар ўтроқ аҳолини диний йўл билан эронликларга қарши кўя бошлади (улар шия масхабига мансуб бўлган). Шарқий Бухорода шариат қонунларига асосан ҳосил йиғиб олингандан сўнг маҳсулот кўринишида эмас пул кўринишида йиғиб олиш белгиланганди[22]. Лекин солиқ йиғувчилар солиқни бозор нархида пуд ҳисобидан тўлашни талаб қилган. Солиқ куз ойларида йиғиб олинган агар кузги бозорда маҳсулот арзон бўлса солиқ тўлашни январь ойига кўчиришган. Шу сабабли 1910 йил Кўлобда маҳаллий бек ва солиқ йиғувчилар ўртасида низо келиб чиқган.

Бундан фойдаланган Кўлоб диндорлари аҳолини бекка қарши ғалаён кўтаришга даъват қилган. Бу даврдаги Кўлоб беги Эрон миллатига ва шия масхабига мансуб бўлган. Бу туртки тезда Бухоро амирлигида яшовчи шия ва суннийлар ўртасида тўқнашув келиб чиқишига олиб келди. Бундан кўрқган Кўлоб беги мулла Аҳмад Бий рус чегара қўшинлари бошлиғи Полковник Гайдебуровга хат йўллайди[23]. Унда бекликда ғалаёнга тайёргарлик кўриляётганлигини маълум қилиб, шунинг учун 30-40 та аскар жўнатишни илтимос қилган. Февраль ойининг бошларида Кўлобга Мулла Маҳмуд ва кўзғолончиларнинг аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказилади (жами 500 киши). Бу йиғилишда тез фурсатларда Кўлоб бегига қарши ғалаён уюштириш ва бекни ўлдириш вазифаси қўйилди. Кўлоб беги бу мажлисдан хабар топиб Мулла Маҳмуд раисни ҳузурига чақиради ва унга 2000 танга, 28 та халат таклиф қилган. Бек шу совға билан уни чалғитиб (рус чегара аскарларининг етиб келишигача) туришга умид қилганди.

Бек аскарлари ғалаёнда Конгуратлик болани қўлга олган эди, Бу болани қутқариш учун ғалаёнчилар сафига Конгурт қишлоғида яшовчи 142 киши ҳам келиб қўшилган. Конгуратликлар келгандан сўнг ғалаёнчиларнинг руҳи янада кўтарилиб кетади. Бухоро батальон командири оломонни тинчлантириш учун болани озод қилиб уни қутқаришга



келганларга совғалар бериб тинчлантиришга ҳаракат қилган. Лекин ғалаён берилган совғалар билан бостирилмади. Қўзғолон жиддий тус олгандан сўнг бек иккинчи марта Россия чегара қўшинлари бошлиғига тезроқ аскарлар жўнатишни илтимос қилиб хат юборган. Шундан сўнг Қўлобдаги ғалаённи бостириш учун 14-Туркистон ўқчи баталионига тегишли отлик разведка қўшинларидан 35 та солдат ва 1 та офицер жунатилган[24].

Рус солдатлари ғалаённи бостириш учун етиб келгунча Бухоро амири Кулобга Махрам девон бегини жўнатганди. Унга рус аскарлари етиб келгунча бекни асирга олишни буюради (хафсизлик нуқтаи назаридан). Агар рус аскарлари Кулобга келиб, бекка ёрдам кўрсатса ҳеч қандай чора тадбир қўлламастикни ва бу ҳақда маълумот бериб туриш буюрилган. 24-февралда Кулобга етиб келган девон беги рус солдатларининг етиб келмаганлигидан хабар топади ва бекни асирга олади. Эртаси куни бек қалъаси олдида 500 дан ортиқ эркак ва аёллардан иборат аҳоли тўпланишади. Ғалаёнчилар Аҳмадбой устидан шикоят қилиб улардан олиб қўйилган нарса буюмларни қайтаришни талаб қилишади. Ўша куни рус солдатлари Қўлобга етиб келишади ва қўзғолонни бостириб уларни тарқатиб юборади. Қўлобда кўтарилган бу ғалаён ҳам уюшмаган эди. Ғалаён бошида турган дин раҳнаомлари ўз мақсадлари учун фойдаланишга ҳаракат қилишган.

#### ХУЛОСА

XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошларида амирлик аҳолиси марказий ва маҳаллий ҳокимиятга қарши норозилик чиқишларини амалга оширди ва бу ғалаёнлар тартибсиз (стихияли) равишда кечган. Ғалаён раҳбарлари, ташкилотчилари иқтисодий талаблар билан чекланиб, сиёсий талаблар қўйиш уларнинг хаёлига ҳам келмаган, ғалаёнлар режасиз ва дастурсиз бўлиб, моҳиятан солиқ ва қўшимча тўловларни камайтиришга қаратилган. Маҳаллий аҳоли ва деҳқонлар амирга адолат сўраб қанчалик мурожаат қилмасин, уларнинг шикоятлари деярли ўрганилмаган. Бухоро амир юқори ва маҳаллий лавозимдаги амалдорларнинг берган маълумотларига асосланиб аҳолининг шикоят ва эътирозларини ўзи тўлиқ тафтиш қилмаганлиги сабабли унга шикоят ва эътирозлар билан мурожаат қилган меҳнаткаш аҳолининг ишончли вакилларини доимий равишда турли хил усуллар билан жазолаб келган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Туркестанские ведомости. 1870. – №17.
2. Ochildiev, F. B. (2020). Social relationship and tax types in the XIX-XX century in Bukhara Emirate. *International Journal of Scientific and Technology Research*, 9(1), P. 723.
3. Ўз МА, И-1- жамғарма, 34-рўйхат, 67-иш, 35-36 вараларқ
4. Очилдиев Ф.Б. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент, “FIRDAVS-SHOH” 2022. Б. –

116.

5. Мухсинова К.З. Документы о крестьянских движениях в Бухарском ханстве в 80-е гг. XIX в. – Ташкент, 1965. – С. 5-23.

6. ЎзМА, И 126-жамғарма, 1-рўйхат, 1266-иш, 14-варақ.

7. Очилдиев Ф.Б. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент, “FIRDAVS-SHOH” 2022. Б. – 117.

8. ЎзМА, И 126-жамғарма, 1-рўйхат, 1266-иш, 12-варақ.

9. Стеценко И.А. Из истории народных движений в Таджикистане во второй половине XIX – начале XX вв (1870-1917гг). – Душанбе: АН Тадж ССР, 1963.– С. 103.

10. ЎзМА, И 3-жамғарма, 2-рўйхат, 3-иш, 112-варақ.

11. ЎзМА, И 3-жамғарма, 2-рўйхат, 3-иш, 112-варақ.

12. Ochildiev, F. (2021). Cotton Production Development In Bukhara Emirate During The Late XIX–Early XX Centuries. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(02), P. 123.

13. Кап. Либиенталь. Гиссарское и Кобадиянское бекства // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. -СПб., 1894. Вып. 57. – С. 315-316.

14. Стеценко И.А. Из истории народных движений в Таджикистане во второй половине XIX – начале XX вв (1870-1917гг). – Душанбе: АН Тадж ССР, 1963. – С.108

15. ЎзРМДА 3-Жамғарма , 2-рўйхат10- иш, 96-варақ.

16. Стеценко И.А. Из истории народных движений в Таджикистане во второй половине XIX – начале XX вв (1870-1917гг). – Душанбе: АН Тадж ССР, 1963. – С.109.

17. ЎзРМДА 3-Жамғарма , 2-рўйхат10- иш, 46-варақ.

18. ЎзРМДА 3-Жамғарма , 2-рўйхат10- иш, 96-варақ.

19. ЎзРМДА. И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 228-иш, 30-варақ.

20. ЎзРМДА. 3-жамғарма, 2-рўйхат, 10-иш, 156 варақ.

21. ЎзРМДА. И-3-жамғарма, 2-рўйхат, 10-иш, 130-варақ.

22. Ochildiyev, F. B. (2022). SOCIO-POLITICAL PROCESSES IN THE BUKHARA EMIRATE IN THE SECOND HALF OF THE XIX-EARLY XX CENTURIES. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY*, 3(03), P. 15.

23. ЎзРМДА. 2-жамғарма, 2-рўйхат, 408-иш, 29-варақ.

24. ЎзРМДА. 2-жамғарма, 2-рўйхат, 408-иш, 25-варақ

25. Khaydarov, Z. B. (2023). TRADING CENTERS OF THE BUKHARA EMIRATE IN THE SECOND HALF OF THE 19TH AND EARLY 20TH CENTURIES. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 3(04), 1-9.

26. Muhamedov, Y. (2021, November). Chach As The Administrative Center Of The Western Khanate. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 75-79).

27. Mannonov A. Prisoner's mother demands compensation from penitentiary department for her son's death. Asia-Plus online of March. 2016;17.

28. Очилдиев, Ф. (2022). XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошларида Бухоро амирлигининг қўшни хонликлар билан савдо алоқалари. *Общество и инновации*, 3(3), 18-23.

29. Холикулов, А. (2021). Некоторые комментарии к двусторонним отношениям Бухарского ханства и Российского царства. *Общество и инновации*, 2(10/S), 561-571.